

Сакарияда «Қуръон академияси» да рўйхатдан ўтиш бошланади



09:00 / 29.06.2021 3041

Сакарияда «намунали авлодни тарбиялашни» мақсад қилган Қуръон академияси 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган қиз талабаларни араб ва Ислом илмлари билан бирлаштиришга интилади.

«Қуръон академияси» нима?, бунга қандай курслар киради?

Қуръон академияси 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшларни араб ва Ислом илмлари билан таништиришни мақсад қилган. Аёл талабалар дастурида ўрта мактабни тугатиши ва ўзлари танлаган университетга ўқишга кириши учун ташқи ёрдам кўрсатилади.

Сакария шаҳрида фаолият юритадиган «Ikra» илмий ва маданий маркази 1994 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Қуръон академияси» ни

янада замонавий шаклда тақдим этади.

Хорижда ўқиган профессор-ўқитувчилар ҳамроҳлигида араб тилидан ташқари, қуйидаги курслар ҳам ўқитилади. Қуръон, тафсир, ҳадис, ақоид, фикҳ, Ислом ахлоқи, ибратли шахслар, Ислом тарихи, Ислом ва оила, Ислом ва дунё.

Кундузги ва интернат талабаларини қабул қиладиган дастур ҳақида қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:

Гулден Гурлер: 0530 465 10 26

Сердар тутуни: 0532 665 85 76

Хуршид Маъруф тайёрлади